O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 30-yanvar • Seshanba • 13 (27.658) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни кутлуғ сана — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 15 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўтган йиллар мобайнида сифат жиҳатидан мутлақо янги, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган Миллий авиакомпаниямизни шакллантириш борасида кенг кўламли, улкан аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Бу ҳақли равишда юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Ўзбекистон фуқаро авиакомпаниясини ривожлантириш бўйича пухта ўйланган узоқ муддатли стратегиянинг жорий этилиши, авиакомпания жамоасининг фидокорона меҳнати ва юксак профессионал маҳорати туфайли сизларнинг корхонангиз мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ҳаво орқали йўловчилар ва юк ташиш ҳамда авиация хизмати кўрсатиш тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Соҳани тубдан ислоҳ қилиш, унинг ташкилий тузилмаси, бошқарув тизими ва менежмент ишларини такомиллаштириш, уларни замон талаблари даражасига кўтариш, самолёт паркини замонавий ҳаво кемалари билан тўлдириш борасида катта ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Навигация тизими такомиллаштирилди, авиация хавфсизлигининг самарали тизими жорий этилди, авиакомпания учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича зарур база яратилди.

Бугунги кунда республикамиздаги деярли барча аэропортлар модернизация қилинди ва улар йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатмоқда. Бунинг натижасида уларнинг бештаси «Халқаро аэропорт» мақомига сазовор бўлди. Авиакомпания қошида энг замонавий авиация техникаларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган марказ ташкил этилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шуни ғурур билан таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» рамзи туширилган авиалайнерлар бугун дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатига — Ер куррасининг деярли барча минтақаларига парвоз қилмоқда. Биргина 2006 йилнинг ўзида авиакомпания томонидан 1 миллион 700 минг нафар йўловчи ва 20 минг тоннадан ортиқ юк ташилгани ҳам унинг муваффақиятларидан далолат беради.

Муҳтарам дўстлар!

Юртимизда ҳаво флоти ходими деган қийин ва мардонавор касб эгалари ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромга сазовордир. Сизларнинг ҳар бирингиз — учувчи ва штурманлар, муҳандис ва техниклар, борт кузатувчилари, ер усти хизмати диспетчерлари ва мутахассисларининг парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, йўловчилар учун қулай шароитлар яратиш борасидаги фидокорона меҳнатингизни барчамиз юксак қадрлаймиз.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимиз нуфузи ва қудратини ошириш йўлида қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳам алоҳида эътибор ва таҳсинга лойиқдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Миллий авиакомпаниямизнинг кўпмиллатли аҳил жамоасига ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман. Сизларнинг барчангизга машаққатли ва олижаноб меҳнатингиз учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Мусаффо осмон, мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад доимий ҳамроҳингиз бўлсин, азизларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 15 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

***Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, миллий авиациямизни замонавий талаблар асосида ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:***

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ»

**Палванов Эгамберген Машарипович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Бош директорининг биринчи ўринбосари

**Расулов Мумин Заирович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «Боинг» учувчилар отряди командири ўринбосари

***Ҳаво транспорти соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, замонавий авиацияни ривожлантириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда эришган ютуқлари, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда малакали мутахассислар тайёрлаш ишига қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Вахабов Мирзаанвар** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Ердаги иншоотлардан фойдаланиш ва аэропортларни бошқариш департаменти директори

**Ибрагимов Закирхан Фазилханович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Тошкент халқаро аэропорти» давлат унитар корхонаси директори

**Салимов Сергей Мартиевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказининг цех бошлиғи

**Худойкулов Шакир Ражаболиевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси 3-учувчилар отряди командири

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Вялков Александр Сергеевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказининг йиғувчи-парчинловчиси

**Ли Константин Евгеньевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси директорининг ўринбосари

**Нарходжаев Бахром Маннапович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «Боинг» учувчилар отрядининг учувчи-йўриқчиси

**Томская Наталья Владимировна** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси дирекциясининг молия-иқтисод департаменти ҳисоблаш маркази бошлиғи

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Гурфинкель Станислав Михайлович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг парвозлар хавфсизлиги бўйича инспекцияси бош штурмани

**Дильмухамедов Эмиль Кушкарович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Ўзаэронавигация» маркази Нукус худудий бўлинмаси бошлиғининг ўринбосари

**Ишмахамедов Тожибай Адхамович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «Боинг» учувчилар отряди учувчи-йўриқчиси

**Клеблеев Гани Рустамович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказининг цех бошлиғи

**Лебёдкин Владимир Михайлович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Тошкент халқаро аэропорти» давлат унитар корхонасининг махсус транспорт хизмати бошлиғи

**Махкамов Эргаш** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Тошкент авиация-техника базасининг цех бошлиғи

**Таджибаев Рустамжон** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Махсус авиация ишлари» компаниясининг Наманган авиаэскадрильяси командири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2007 йил 29 январь*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Япония ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 15 йиллик санаси, ҳақиқатан ҳам унутилмас воқеадир.

Бундан 15 йил аввал ўрнатилган икки томонлама муносабатлар бугунги кунда ҳам муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўтган йили собиқ бош вазир Жюньичиро Коидзуми Ўзбекистонга ташриф буюрган Япониянинг биринчи бош вазири сифатида мамлакатингизда бўлган эди. Ташриф чоғида унинг Сиз Жаноби Олийлари билан ўтказган самарали музокаралари икки томонлама муносабатларнинг ривожланиши ва сифат жиҳатидан янада юксак даражага кўтарилишида муҳим ўрин тутди.

Япония ва Ўзбекистон 2004 йилдан бошлаб Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларнинг асоси ҳисобланган «Марказий Осиё + Япония» мулоқоти доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик кўп томонлама хусусият касб этиб, икки томонлама муносабатлар доирасини янада кенгайтирди, бу эса бутун минтақада барқарорлик ҳамда фаровонликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган самимий дўстлик муносабатларига таянган ҳолда, Ўзбекистон билан шериклик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилишга тайёрлигимни ва бундан буён ҳам Сиз Жаноби Олийлари билан яқин ҳамкорликни давом эттириш ниятида эканимни изҳор этмоқчиман.

Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

**Шинзо АБЭ,**
**Япония Бош вазири**

## ИТТИФОҚЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ – АМАЛДА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 29 ЯНВАРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ФАРИТ МУХАМЕТШИННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Россиялик дипломат Президентимиз Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширган 2003 йилда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларда янги давр бошланаётган эди. Россия Президенти Владимир Путиннинг 2004 йил июнь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Орадан бир йил ўтиб, 2005 йилнинг ноябрида Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Бу билан икки томонлама алоқаларни энг олий даражага кўтариш учун ҳуқуқий асос яратилди.

Ўзбекистон ва Россия қарийб барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантириб келмоқда. Давлат раҳбарларининг учрашувларида ўзаро муносабатларга доир масалаларга, халқаро ва минтақавий муаммоларга нисбатан икки томоннинг қарашлари бир хил ёки яқин эканлиги қайд этилади. Бундай ҳамфикрлик ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Иқтисодий алоқалар фаоллашувининг амалий натижаси сифатида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» очиқ акционерлик жамияти ўртасидаги келишувни келтириш мумкин. «Газпром» Ўзбекистон нефть-газ саноатига 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритишни режалаштирган. Бундан ташқари, «Лукойл» (нефть-газ), РУСАЛ (алюминий), «Вим-Билль-Дан» (озиқ-овқат) каби йирик компаниялар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2006 йил мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми икки миллиард АҚШ долларидан ошди.

Мамлакатларимиз ўртасида ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик ҳам йилдан-йил фаоллашмоқда.

Ўзбекистоннинг «Фориш» полигонида ҳамда Россиянинг Краснодар ўлкасида ўтказилган аксилтеррор машқлар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳадаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон — Россия муносабатларининг ҳозирги тараққиёт босқичи икки мамлакат Президентларининг учрашувларида эришилган келишувларнинг ҳаётдаги амалий ифодасидир. Бу келишувларни амалиётга татбиқ этишда кўплаб соҳалар вакиллари самарали меҳнат қилаётганини таъкидламоқ жоиз. Жумладан, Россиянинг Ўзбекистондаги элчиси Фарит Мухаметшин икки томонлама алоқаларни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Учрашувда Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, халқларимиз ўртасида илмий, маданий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги хизматлари учун Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшинга Ватанимизнинг «Дўстлик» орденини топширди.

Ф.Мухаметшин юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантириш йўлида бундан буён ҳам куч-ғайратини аямаслигини, бу масъулиятли ишни ўзи учун катта шараф, деб билишини таъкидлади.

**(ЎзА)**

## ОЛДИНДА ЯНГИ МАРРАЛАР, ЯНГИ УФҚЛАР

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ўзининг ўн беш йиллигини нишонламоқда. Мазкур компания қисқа вақт ичида қитъанинг ишончли ва жадал ривожланиб бораётган авиакомпаниялари қаторидан жой олди ҳамда халқаро авиаташувлар бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллади. Миллий авиакомпаниямиз мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримовнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли соҳада ислоҳотларни изчил амалга ошириб, фаолиятини сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарди.*

2-бет



Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

❖ **Бошланғич партия ташкилотларида**



## ЁШЛАР ҚИЗИҚИШИ ОРТМОҚДА

Партиямизнинг асосий дастурий устуворликларидан бири — аҳолининг кам таъминланган қатлами манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида ЎзХДП Асака шаҳар кенгаши томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг декабрь ойида шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан Асака шаҳар ҳокимлиги ёрдамида кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ота-онаси ногирон йигитлардан 179 нафари «ЎзДЭУавто», «Ўз Ранг Вон Ко» қўшма корхоналарига ишга жойлаштирилди. ЎзХДП шаҳар кенгашининг муносиб ёрдамини ҳис қилган бу ёшларнинг 40 нафари Ўзбекистон ХДП сафига киришга қарор қилдилар.

— Партияга кириш учун ариза берган ёшлар билан суҳбатлашганимизда улар партиянинг дастурий мақсадларини бажаришга ўз ҳиссаларини қўшмоқчи эканликларини билдирдилар, — дейди «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси бошланғич партия ташкилоти раиси Б.Мирзакаримов.

Яқинда ЎзХДП сафига қабул қилинган мазкур ёшларга партияга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди. Тадбирда ЎзХДП Асака шаҳар кенгаши раиси М.Дадажонов ва партия фаоллари сўзга чиқиб, ёшларни Ўзбекистон ХДПга аъзо бўлганликлари билан табриклашди ва партия дастурий мақсадлари ҳаётга қандай жорий этилаётгани ҳақида тўхталишди.

**Хусниддин БЕРДИЕВ**

**Суратда:** партия аъзолик гувоҳномаларини топшириш пайти.

O`zbekiston havo yo`llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

## «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди»

# ТИНЧЛИК ТАҚДИРИ

### ОГОҲЛИК, ФИДОЙИЛИК, ҚАТЪИЙЛИК, ЖАСОРАТ ВА ДОНИШМАНДЛИККА БОҒЛИҚЛИГИНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ КЎРСАТМОҚДА

Бугун дунё кўзимизга мўрт кўринади, ночор, дардманддай туюлади. Ерда-да, кўкда-да ором йўқ, таҳликали. Инсоният қўли билан замин бағрига ўрнатилган бомбалар хавотири, ён-атрофингда содир этилаётган террористик ҳаракатлар, қайсидир давлатнинг бошқа бир мустақил давлат ички ишларига аралашиши, халқаро ташкилотлар қўли билан сиёсий, иқтисодий босим ўтказиши, фақат ўз манфаатини ўйлаб ўзгалар миллий манфаатларини оёқости қилишга уринишлар, зўравонлигини ошкор этишлар, сиёсий экспортга интилишлар, ҳеч қандай мантиққа, дастурга эга бўлмаган, нияти бузуқ, лекин ўзини «мухолифат» деб атовчилар тегирмонига сув қуйишлар, ўз ғояларини тарғиб қилиш мақсадида тарафдор излашлар бизни бугунги дунёдаги тинчлик тақдири ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришга ундайди.

Мамлакатимизнинг истиқлолга эришгандан кейинги яқин ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон ўтган асрнинг 90-йилларига келиб тўла маънода муаммолар гирдобида қолиб кетганди. Ўшандай оғир вазиятда мустақилликни эълон қилиш учун, уни эртага сақлаб қолиш учун, озодлик туйғусини одамлар онгига сингдира олиш учун жуда катта жасорат керак эди. Бу ҳам майли. Энг муҳими, мамлакат ичида юз бераётган инқирозларнинг олдини олиш, ташқи хуружларга қарши туриш бош масалага айланганди, қолаверса, тинчлик тақдири хавф остида қолган эди. Бу эса **«суверен давлатнинг ҳар бир раҳбари, ҳар бир етакчиси оддий кишилар ишонч билдириб, унинг зиммасига юклаган жуда катта бурч ва масъулиятни теран англаб, ўй-хаёлини ҳамиша тинчлик, осойишталикни сақлаш, авайлаш ва мустаҳкамлашга қаратмоғи керак»**лигини англатарди.

**Бу ҳақиқат илк бор Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида атрофлича таҳлил этилди.**

Аслини олиб қараганда, бу дунёда, бу ёруғ оламда тинчликни сақлаш инсониятнинг ўз қўлида бўлишига қарамасдан ҳамиша ўзаро урушлар, таҳликалар келиб чиқаверган. Узоққа бормайлик, ўтган асрда юз берган Иккинчи жаҳон уруши тугаб-тугамай 1945 йил 6-9 август кунларида Америка ҳаво кучлари Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташлади. Бу билан ўта мудҳиш жиноятга қўл урилди, яъни тарихда биринчи бор инсониятга қарши мислсиз оммавий қирғин қуроли ишлатилди.

Шундан сўнг ҳам дунё икки сиёсий лагерга бўлиниб олиб, қуролланиш пойгасига эрк берди. Жаҳоннинг кичик-кичик нуқталарида манфаатлари тўқнаш келганда эса бир-бирларини ўзлари яратган қирғин қуроллари билан қўрқитишга уриндилар. Шу тахлит салкам ярим аср давомида бутун дунёда совуқ уруш нафаси ҳукмронлик қилди. Бу ҳам етмагандек, баъзи бир давлатларни кимдандир озод қилиш мақсадида бостириб киришлар, байналмилал ниқоби остида қон тўкишлар бошланиб кетди. Бу эса ўша минтақалардаги кичик жароҳатларнинг газак олишига, ён-атрофга ёйилишига, қолаверса, бутун бошли тузумларнинг ичдан емирилишига олиб келди.

ХХ асрнинг охирига келиб совуқ урушга барҳам берилгандай бўлди. Қандайдир маънода дунё халқлари эркин нафас олди. Собиқ иттифоқнинг парчаланиб кетиши, унинг ўрнида мустақил давлатларнинг ташкил топиши, ўз навбатида яна баъзи бир сиёсий муаммоларни келтириб чиқарди.

Мана шундай бир вазиятда мустақил давлатимиз олдида ҳам бир қатор саволлар пайдо бўлди, яъни **«хавфсизлигимизга таҳдид бўлиб турган муаммоларга нимани қарши қўя оламиз? Жамиятимиз тўхтовсиз ва барқарор ривожланишига, биз истиқомат қилаётган минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанат сақланишига нималар кафолат бўла олади?»**

Гарчи аччиқ бўлса-да тан олиш керак, ўша кунларда мамлакатимиз олдида ҳал этилиши зарур бўлган ўткир, мураккаб, залворли масалалар мавжуд эди. Энг ачинарлиси, одамларда эртанги кунга ишонч туйғуси заифлашганди. Қўшни давлатларда фуқаролик уруши авжига чиққан, миллатлараро тотувликка баъзи ўринларда раҳна солинган, ташқарини қўя турайлик, ўз ичимизда ҳам айрим гуруҳлар ғимирлаб қолган ўша кунларда биргина тинчликни сақлаш билангина вазиятни қўлда тутиб туриш мумкин эди.

Масаланинг аянчли томони шунда эдики, **«бу таҳдидларни олдиндан кўра билишга ҳамма вақт ҳам муваффақ бўлинмаётир. Кўпинча улар кутилмаганда рўй бермоқда. Жуда катта қурбонлар, кулфатларга сабаб бўлмоқда. Энг фожиалиси, инсонлар қурбон бўлмоқда. Беқарор, адоватли вазият вужудга келмоқда. Ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт жараёнлари секинлашмоқда. Аҳолида эртанги кунга ишончсизлик, ўз ҳаётидан, қариндош-уруғлари ва яқин кишилари ҳаётидан хавотир ҳисси уйғонмоқда. Ва энг муҳими, воқеаларнинг олдиндан билиб бўлмайдиган тарзда бундай ривожланиши мамлакат танлаб олган сиёсий ва иқтисодий йўлни амалга ошириш мумкинми, йўқми деган масалани кўндаланг қилиб қўяди».**

Ҳаёт сиёсат тақозосига кўра атрофга ҳушёр қараб, дунёда юз бераётган ҳар бир воқеани таҳлилий, танқидий ўрганиб, маълум бир хулосага келиш, ҳар қандай оғир дақиқаларда ҳам миллат, мамлакат манфаатларини устун қўйиб, дадил ҳаракат қилиш кераклигини босиб ўтган йўлимиз, тўплаган тажрибаларимиз яна бир марта кўрсатди.

Энг асосийси, халқимиз қалбида дахлдорлик, умид- орзулар уйғонди. Бир сўз билан айтганда, бирни кўриб фикр қилган бўлсак, бирни кўриб шукур қилдик. Нима бўлишидан қатъи назар, энг биринчи масала бўлиб кун тартибига хавфсизликни таъминлаш, барқарорликни сақлаб қолиш зарурлиги чиқди. Шундай қилиб, халқимиз тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишдек муҳим стратегияни белгилаб олди.

Тинчлик туйғусининг нима эканлигини англаб етиш учун ҳам маълум бир вақт, йиллар кераклигини тушуниб етдик. Тинчликнинг беқиёс неъмат эканлигини, у йўқ жойда ҳеч нарса бўлмаслигини англадик.

**«Аслини олганда, хавфсизликка солинаётган таҳдидлар анча серқирра. Улар сиёсий экстремизм, шу жумладан диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғаймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади. Бошқача айтганда, юқорида санаб ўтилган таҳдидлар, гарчи турли минтақаларда турлича куч билан намоён бўлсада, инсониятда бир хилда ташвиш туғдирмоғи даркор».**

Дунёдаги барча мамлакатлар ва халқлар ўз ўтмишларида урушлар билан кўп марта юзма-юз келган. Ўша қора кунларда асрлар давомида илмфан, маданият бешиги ҳисобланиб келган, керак бўлса жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, қудратли давлатлар ҳам оёқости қилинган, таланган, халқи хўрланган. Неча юз йиллар давомида аждодлари томонидан мисқоллаб йиғилган шоншуҳрат, буюк анъаналар супуриб ташланган. Бунинг оқибатида тараққиёт юз йиллар орқага улоқтирилган. Энг ачинарлиси, мана шу урушлар тадқиқ этиб кўрилганда уларни фақат ташқи душманларнинг ғаразли мақсадлари келтириб чиқармагани, балки бу талотўпларга ички инқирозлар ҳам сабаб бўлганлиги кўзга ташланади.

Бу ёруғ дунёда сақлаш қийин бўлган энг бебаҳо неъмат тинчлик эканлигини англаб етган халқлар мамлакат тинчлигини ҳамма нарсадан устун қўядилар. Унинг учун керак бўлса, жонларини қурбон қиладилар. Тинчликнинг қадр-қимматига етмаган халқлар афсус-надоматлар чекадилар. Ўзи ва авлодларининг кўз ёшлари дарё бўлиб оқади. Тинчлик тақдирининг хавф остида қолиши дунёдаги энг катта йўқотиш эканлигини англаб етадилар. У қандай номланишидан қатъи назар урушнинг, нотинчликнинг ҳар бир куни миллат келажагига ўз салбий таъсирини ўтказади.

Бугун тинчлик тақдири ҳамма замонларга қараганда янада мураккаблашди. Бутун дунёда юз бераётган турли-туман келишмовчилик ва зиддиятлар тутуни ҳиди димоғимизга келиб урилмоқда. Атрофимизда содир бўлаётган халқаро воқеалар ҳар бир давлатдан, ҳар бир халқдан атрофга тийран нигоҳ ташлашни талаб этади.

Буни боиси шундаки, **«алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кета олмайди».** Шундай экан, бугун нафақат ўз ҳудудимизда, балки ён-веримиздаги турлитуман ҳаракатлар бизни бефарқ қолдирмаслиги керак. Биз бундай масалаларга фақат ўз тинчимизни ўйлаб эмас, балки бутун дунё халқларини осойишталигини сақлашдек буюк, умуминсоний мақсад билан қараймиз. Чунки бало-қазо, офат чегара билмайди. У алангага сингари бутун атрофни қамраб олади. Шундан сўнг бошланган уринишлар эса кутилган натижани бермайди. Бу ҳақиқатни ҳаёт жуда кўп марта исботлаган.

Биргина қўшни Афғонистонда олиб борилган урушлар оқибатида нафақат жафокаш афғон халқи, балки бутун дунё азият чекди. Бугина эмас, йиллар давомида умуман назоратсиз бўлиб қолган ушбу ҳудуд жаҳондаги энг кўп гиёҳванд моддалар етиштириладиган майдонга айланди. Натижада миллионлаб одамлар ажал гирдобига тушиб қолганининг ўзи бизни ҳушёр торттирмоғи, бутун оламга кўзларимизни каттароқ очиб қарашимиз кераклигини кўрсатади. Тинчлик туйғусини бардавом бўлиши бугун барчамиздан фидойиликни, Ватанни, миллатни янада қаттиқроқ севишимизни тақозо этади.

Тинчлик борасида ўзбек халқининг, ўзбек давлати раҳбарининг мақсад-маслаги бутун дунёга очиқ-ошкор баён этилган. Биз ўзимиз танлаган йўлдан қайтмаймиз. Муддаомиз эса аён: **«янги минг йилликка йўл очиб борар эканмиз, ҳаммага дўстлик ва ҳамкорлик қўлини чўзамиз. Хавфсизлик, барқарорлик ва собитқадам ривожланиш деган сўзлар бунинг рамзидир. Чунки, айнан ана шу тушунчалар ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир халқнинг тинчлиги, фаровонлиги, равнақи учун мустаҳкам пойдевор яратади. Сайёрамизда жўғрофийсиёсий мувозанатнинг ажралмас шарти бўлиб қолади. Бу ҳар бир инсонга келажакка дадил ва ишонч билан қараш ҳуқуқини беради»...**

Тинчлик... Менинг назаримда, бу каломни ўзбек халқичалик кўп такрорлайдиган, Оллоҳдан фақат тинчлик сўрайдиган эл ер юзида бўлмаса керак.

...Бугун яна тонг отди. Кўп қаватли уйлар деразаларида чироқ кўринди. Атрофдан боласига алла айтаётган онанинг овози эшитилди. Бомдод намозига турган отахон азон чақирди. Аллоҳ томонидан бизга инъом этилган ёруғлик оламга таралди. Мана шу дақиқалардаги ойдинлик ҳар биримизнинг қалбларимизга кўчиб ўтади. Орзуларимиз йўлларини ёритади. Кўнглимизда яна бир тинч, осойишта кун бошланганига ишонч уйғонади. Кимдир ишга, яна биров ўқишга, болалар мактабга йўл оладилар. Уларнинг юзларида тинчлик, хотиржамлик ўз ифодасини топган.

Мана шу тинчлик барчамизни катта ҳаёт билан, тириклик билан боғлаб туради.

Мустақиллигимизнинг ўтган ўн беш йилида мамлакатимизда асрларга тенг улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўзбек шаҳарсозлигининг энг ноёб дурдоналари яратилди. Бир-биридан муҳташам билим масканлари, спорт кошоналари қад ростлади. Қудратли темир йўл қурилишлари, кўприклар, магистрал йўллар барпо этилди. Йирик саноат корхоналари фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри жаҳон миқёсидаги нуфузли спорт мусобақалари, йирик илмий анжуманларга мезбонлик қилмоқда. Туризм соҳаси тобора ривожланиб бормоқда...

Тошкент тинчлик жарчиси сифатида бутун дунёда эътироф этилди. Юқоридагиларнинг барча-барчаси юртимиздаги барқарор тинчлик туфайлидир.

Президентимиз алоҳида таъкидлаб айтганларидек, **«Ишончим комил, мана шу саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган барча инсонлар, миллати, тили ва динидан, қараш ва эътиқодидан қатъи назар, бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг энг катта бойлиги, Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган бебаҳо неъмат бўлмиш юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва барқарорлик, жамиятимизда мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик эканини чуқур англайди ва юксак қадрлайди».**

**Фаррух ҲАМРОЕВ**

# ОЛДИНДА ЯНГИ МАРРАЛАР, ЯНГИ УФҚЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, жаҳон андозаларига мос замонавий моддий-техник база ва юқори малакали кадрларга эга қудратли фуқаро авиациясини ташкил этишга муваффақ бўлди.

Тошкентда ушбу сана муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда компаниянинг ўтган йилларда қўлга киритган ютуқлари, уни ривожлантиришнинг янги истиқболлари ҳақида сўз юритилди. Унда авиакомпания, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси жамоасига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ўқиб эшиттирди.

Ўтган йиллар давомида ҳаво кемалари парки модернизация қилинди, Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш бўйича янги мажмуа ташкил этилди, аэропортлар реконструкция қилинди. Ўзбекистон ҳудудида навигация тизими такомиллаштирилди. Бу тизим парвозларни бошқаришнинг МДҲдаги энг яхши тизими сифатида тан олинган. Ўзимизда юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган база шакллантирилди, авиация хавфсизлигининг самарали тизими ишлаб чиқилди. Ушбу улкан вазифаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонга жаҳон авиатранспорт тизимига қўшилиш ва унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиш имконини берди.

Бугун бортида Ўзбекистон байроғи акс эттирилган самолётларимиз дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳрига парвоз қилаётир, компаниянинг 24 мамлакатда 43 ваколатхонаси, ўнлаб ҳамкор компания ва фирмалари мавжуд. Улар билан 60 дан зиёд халқаро шартномалар имзоланган. Амалга оширилган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, жаҳон фуқаро авиациясининг энг сўнгги янгиликларини ўзида мужассам этган Ўзбекистон ҳаво транспорти тармоғи мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бирига айланди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» ўз фаолияти давомида парвозлар хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш борасида бир неча бор нуфузли мукофотларга сазовор бўлди. Бу фуқаро авиацияси соҳасида Ўзбекистон танлаган стратегия тўғрилигининг яққол тасдиғидир.

Самолётлар парки Боинг-767-300ER, Боинг-757-200, А-310, RJ-85 ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган Ил-114-100 замонавий ҳаво кемалари билан тўлдирилди. Янги лайнерлар авиакомпанияга юқори даражали сервис хизмати кўрсатиш ва парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, авиаёқилғи сарфини анча камайтириб, авиаташувларнинг асосий қисмини бажариш имконини берди.

«Uzbekistan Airways Technics» таъмирлаш авиакорхонаси ва унинг Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази Миллий авиакомпаниянинг асосий тузилмаларидандир. У компаниянинг ўзимизда ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш эҳтиёжини ва бошқа авиакомпаниялар буюртмасини бажаришни тўлиқ таъминламоқда. Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатишнинг мураккаб турларини бажаришга қодир провайдер ҳисобланади ва бу хизматлардан бошқа минтақалардаги авиаташувчилар ҳам кенг фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, авиакомпания парвозлар хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу иш билан барча хизматлар, жумладан, МДҲда ягона замонавий «Ўзаэронавигация» маркази шуғулланмоқда.

Айни вақтда, Миллий авиакомпаниянинг бошқа бўлимларида ҳам техник ва таъмирлаш базасини яхшилаш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, миллий авиациямизни замонавий талаблар асосида ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси учун компаниянинг бир гуруҳ ходимлари юксак давлат мукофотлари ва фахрли унвонларга сазовор бўлди.

Тақдирланганларга ушбу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Миллий авиакомпаниянинг парвозлар хавфсизлиги бўйича инспекцияси бош штурмани Станислав Гурфинкель Президент Ислом Каримовга Ўзбекистон фуқаро авиациясини ривожлантириш, унинг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЎзХДП ҳаёти

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

### ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА

Ўзбекистон ХДП маҳаллий ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаолларининг республика конференциясида «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан партиямизнинг туман ва шаҳар кенгашларининг ташкилийсиёсий тадбирлари режаси белгилаб олинган эди. Айни пайтда жойларда партия ташкилотлари томонидан ушбу вазифаларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди.

— Конференцияда олдимизга қўйилган вазифаларнинг ҳаммаси биз учун ўта муҳим ҳисобланади, — дейди Шофиркон туман партия кенгаши раиси Баҳром Неъматов. — Хусусан, партия электорати орасида ўз ижтимоий ҳуқуқлари ва уларни ҳимоялашнинг қонуний усуллари ҳақида тўғри тушунчани шакллантиришга йўналтирилган тарғибот ишларини олиб бориш талаб қилинади. Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари ваколати доирасига кирувчи ижтимоий масалаларни ҳал этишда депутатлик гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш, партиямизнинг ижтимоий шериклари ҳисобланган жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари ҳар кунги фаолиятимизнинг мундарижасини ташкил этиши лозим.

Дарвоқе, ўз сафларида қарийб бир ярим мингга яқин аъзони жипслаштирган туман кенгаши бугун 43 та бошланғич, шу жумладан, 38 та ҳудудий партия ташкилотига эга. Партия ташкилотларига халқ орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган, тажрибали кишилар раҳбарлик қилмоқда. Жумладан, Варзонзе қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият кўрсатаётган ҳудудий партия ташкилотига эл ташвиши билан яшайдиган, жонкуяр инсон Муҳсин Ҳидоятов раислик қилмоқда.

— Ҳар қандай ишнинг катта-кичиги бўлмайди, — дейди у фахр билан. — Бунинг устига, шунчаки ишлаш ҳам ярамайди. Партиядошлар ишончи мен учун катта шараф.

Дарҳақиқат, бу муболаға эмас. Биз туман марказидан 12 чақирим олисда жойлашган, бир неча қишлоқни ўз ичига олган Варзонзе қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлганимизда буларнинг барчасига ўзимиз амин бўлдик, ишонч ҳосил қилдик.

— Шуниси қувончлики, дейди Деҳқонобод қишлоғи оқсоқоли, ХДП фаоли Сайфиддин Норов. — Муҳсинжон партиянинг 157 аъзоси бошини бир ерга қовуштира олди. Юзага келган масалаларни муҳокама қилаётганимизда кўпинча фикримиз бир ердан чиқади. Бу «Ижтимоий ҳимоя йили»да белгиланган тадбирларни амалга оширишда асқотади, албатта.

Раиснинг таъкидлашича, партия ташкилоти фаолият кўрсатаётган ҳудудда 122 нафар фермер бор. Уларнинг хўжаликларида ишлаётганлар орасида ЎзХДП аъзолари ҳам бор. «Наимобод», «Олтин бошоқ», «Ҳосил Барокот» фермер хўжаликлари раҳбарлари бўлган партиядошларимиз Амин Аминов, Эржон Султонов, Шукур Убайдовга ўхшаган саховатли фермерлар ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилардан ўз ёрдамларини аямаяптилар.

— Биз, — дейди янги қишлоқлик биринчи гуруҳ ногирони Манғит Умурова.— Ўзимизни асло ёлғиз ҳис этмаймиз. Сабаби партиямизнинг садоқатли, мурувватли аъзолари бор. Ана шулардан бири Шукур Убайдовдир. Барака топкур ҳамиша ҳолимиздан хабар олиб туради. Кунора маҳалла раиси Шарифахон Мансурова ҳам ҳол сўрайди. У ҳам шу партия фаоли-да.

— Бу йилги тадбирлар режасининг кўлами кенг, — дейди партия ташкилоти раиси Муҳсин Ҳидоятов. — Буларнинг барчаси ҳаммамиздан катта меҳнат талаб этади. Бунинг устига мазкур вазифалар қай даражада амалга оширилаётгани устидан мунтазам равишда мониторинг юритиш ҳам фойдадан холи эмас.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 30 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 960,96 | 1 Малайзия ринггити | 354,70 | 1 ЕВРО | 1603,96 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2433,95 | 1 Польша злотийси | 409,06 | 10 Жанубий Корея вони | 13,21 |
| 1 Дания кронаси | 215,24 | 1 СДР | 1850,43 | 10 Япония иенаси | 102,05 |
| 1 БАА дирхами | 338,32 | 1 Туркия лираси | 867,37 | 1 Россия рубли | 46,79 |
| 1 АҚШ доллари | 1242,51 | 1 Швейцария франки | 990,60 | 1 Украина гривнаси | 246,04 |
| 1 Миср фунти | 218,16 | | | | |
| 1 Исландия кронаси | 17,90 | | | | |
| 1 Канада доллари | 1052,80 | | | | |
| 1 Хитой юани | 159,77 | | | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

## УСТЮРТ:

# ГЕОЛОГИК ҚИДИРУВ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

Республикамиз ерости бойликларига ниҳоятда бой. Кейинги йилларда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорликда геологик қидирув ишлари олиб боришга катта эътибор берилмоқда. Ўтган йил январь ойида Президентимиз Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг мамлакатлараро кенгашида Устюрт регионининг ерости бойликларини геологик ўрганишни амалга оширишнинг асосий принциплари ҳақидаги шартномага имзо чеккан эди.

Келишувга мувофиқ умумий майдони 38,1 минг квадрат метр бўлган Ақтумсық, Қуўаныш, Ақйин, Насамбек, Батыс Урге (ғарб қисми), Ақшолақ, Шаппақти — сингари жами 7 та инвестиция блокларида тадқиқот ишлари ўтказиш режалаштирилди. Беш йилга мўлжалланган мазкур лойиҳанинг умумий баҳоси 400 минг АҚШ долларига баҳоланган.

Яқинда Нукусда Устюрт регионини инвестиция блоклари ерости бойликларини геологик ўрганишни амалга оширишнинг асосий принципларига бағишланган ташкилий-техн.кавий мажлис бўлиб ўтди. Унда «Зарубежнефтгаз» масъулияти чекланган акциядорлик жамияти, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «УТИРНИТМ» очиқ ҳиссадорлик жамияти, «Саратов нефтегеофизика» масъулияти чекланган жамияти раҳбарлари ҳамда уларнинг етакчи мутахассислари, республика вазирликлари ва идоралари вакиллари, пудрат корхоналар экспертлари қатнашдилар. Йиғилишда шартнома талабларини бажариш бўйича ташкилий ишларнинг якунланаётганлиги, яқин кунларда ускуналар олиб келиш ҳамда монтаж ишлари бошланиши қайд қилиб ўтилди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



Шаҳрисабз туман марказий шифохонаси айни кунларда 53 та даволаш-профилактика муассасаларига эга. Уларда 4375 нафар малакали тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқда.

Тумандаги иккита шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари ўтган йили давлат томонидан замонавий ЭКГ ва бир нечта УЗИ аппаратлари, эндоскоп жарроҳлик жиҳозлари билан таъминлади. Бундан ташқари Япониянинг гранти асосида 2 та УЗИ аппарати ва гастрофиброскоп олинди. Яна бир янгилик шуки, тумандаги 13 та қишлоқ врачлик пунктларига Осиё тараққиёт банки экспертлари томонидан 12 миллион сўмлик қаттиқ жиҳозлар тарқатилди. Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида марказий шифохонанинг туғуруқхона ва қон қуйиш бўлимлари капитал таъмирдан чиқарилди.

❖❖❖

***Суратда:*** *шифокор Сайфулло Исломов (ўртада) шогирдлари — реаниматолог Кенжа Исломов, акушер-гинеколог Азиза Назарова ва ҳамшира Севара Шерназаровалар билан.*

**Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат**

# XORIJDA

## ТОМОНЛАР КЕЛИШИБ ОЛМОҚЧИ

**Фаластиндаги бир-бирига нисбатан мухолифатда бўлган ХАМАС ва ФАТХ ҳаракатлари раҳбарияти мусулмонлар учун муқаддас бўлган Макка шаҳрида учрашиб, тинчлик йўлида музокараларга киришмоқчи.**

*Саудия Арабистони қироли томонидан дахлсиз ҳудудда учрашиб, ўзаро музокаралар олиб бориш зарурлиги тўғрисида билдирилган таклифни хар иккала ҳаракат раҳбарияти маъқуллаган. Лекин ҳозирча учрашувнинг аниқ вақти маълум эмас.*

## «ИРОҚДАГИ УРУШНИ ТЎХТАТИНГ»

**Якшанба куни Ироқнинг Неджеф шаҳри яқинида АҚШ ҳарбийларига тегишли бўлган вертолёт уриб туширилган.**



*Натижада экипажнинг икки нафар аъзоси ҳалок бўлган. Сўнгги пайтда Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар вақтида ҳалок бўлаётган америкалик ҳарбийлар сони тобора кўпайиб бормоқда.*

*Маълумотларга кўра, шу йил январь ойининг ўзида америкалик ҳарбий хизматчилар Ироқда 76 нафар сафдошларидан ажралишган. Бундай ҳолатларга ва умуман Оқ уйнинг Ироққа нисбатан тутган сиёсатига АҚШда кескин норозиликлар билдирилмоқда.*

*Маълумки, ўтган шанба куни Вашингтонда «Ироқдаги урушни тўхтатинг ва ҳамма аскарларни уйига қайтаринг!» шиори остида митинг бўлиб ўтган эди. Унда минг-минглаб кишилар кўчаларга чиқиб, давлат сиёсатига ўз норозиликларини билдиришганди. Ушбу митингда бир қанча машҳур кишилар — Голливуд кино юлдузлари, АҚШ Конгресси палаталарининг бир нечта вакиллари ҳам иштирок этган.*

## ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

**Белоруссия Президенти Александр Лукашенко Германиянинг «Die Welt» газетасига берган интервьюсида мамлакатнинг Россия ва Европа Иттифоқи билан ўзаро муносабатлари хусусида батафсил тўхталиб ўтди.**



Лукашенконинг сўзларига кўра, у Россия ва Украина ўртасидаги Иттифоқни хар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди ва бунда хар иккала давлат тенг ҳуқуқли бўлиши керак деб ҳисоблайди. Шу ўринда у Иттифоқнинг пул бирлиги сифатида рублнинг қабул қилинишига қарши эканлигини ҳам айтиб ўтган.

Шунингдек, у Европа Иттифоқи билан боғлиқ муносабатларга тўхталиб ўтар экан. «Белоруссияга нисбатан қўлланилган санкцияни бекор қилиш ва яқин ҳамкорлик тўғрисида ўйлайдиган пайт етиб келган», дея таъкидлаб ўтди.

## ПРЕЗИДЕНТ ДАВОЛАНМОҚДА

**Украина Президенти Виктор Ющенконинг танаси заҳарли модда — диоксиндан тозаланмоқда.**



*Швейцариялик шифокор Жон Сорнинг маълум қилишича, Президентнинг танасидан диоксинни чиқариб ташлашда сезиларли натижаларга эришилган ва ҳозирга қадар тана диоксиндан 80 фоизга тозаланган.*

*Маълумки, Ющенконнинг соғлиғи билан боғлиқ муаммолар 2004 йилнинг сентябрь ойи бошида пайдо бўлган ва 10 сентябрда у Австриядаги клиникага ётқизилган эди.*

*Шифокорлар ва мутахассисларнинг сўзларига кўра, заҳарли модда диоксин Ющенко касалхонага ётқизилишидан тахминан беш кун олдин унинг танасига тушган.*

*2006 йилнинг май ойида АҚШ, Германия ва Япониялик мутахассислар иштирокида ўтказилган қайта текширув натижаларида ҳам унинг танасида диоксин моддаси борлиги тасдиқланган.*

## АСЛИДА КИМ АЙБДОР?

**АҚШда 36 ёшли ҳайдовчи Тайрон Вильямс суд ҳукмига кўра умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилди.**

Ҳайдовчи Америкага нолегаль кириб келадиган эммигрантларни яширишда ва уларни ўғринча ташишда айбланган. Бу ҳали айбловларнинг ҳаммаси эмас.

Тергов жараёнида аниқланишича, Вильямс 2003 йилнинг май ойида 19 кишининг ҳаётига зомин бўлган. Ўшанда у юк машинага 70 та эммигрантни «босиб», уларни Жанубий Техасдан Хьюстонга олиб борган. Лекин ҳаво етишмаслиги оқибатида 19 киши йўлда ҳаётдан кўз юмган.

Ҳайдовчининг судда айтган фикрича, одамларнинг ўлимида у айбдор эмас, аксинча, жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари, яъни эммигрантларни АҚШга нолегаль жўнатиш ва киритиш билан шуғулланувчилар айбдор.



❖ **Интер-спорт**

## УЧ ШОҲМОТЧИДА БИР ХИЛ ОЧКО

**Голландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида ўтказилган йирик халқаро шоҳмот турнири якунланди.**

*«Corus Chess» деб аталувчи бу супер турнирда озарбойжонлик Теймур Ражабов, арман Левон Аронян ва болгариялик Веселин Топаловлар 13 имкониятдан 8,5 тадан очко тўплашди. Бу гроссмейстерларнинг қайси бирига ғолибликни беришда уларнинг ўзаро учрашувлари инобатга олинди. Хусусан, Аронян барча учрашувларни мағлубиятсиз ўтказиб, 4 та ғалабага эришгани учун унга биринчи ўрин берилди. Ражабов билан Топалов биттадан имкониятни бой беришган эди. Улар ҳисобида бештадан ғалаба бўлишига қарамай, 2-3 ўринларни олишди.*

*Якунловчи турда озарбойжон ва болгариялик шоҳмотчилар ўзаро дуранг ўйнашган бўлса, арманистонлик гроссмейстер голландиялик Сергей Тивяковни мағлубиятга учратган эди. Россиялик жаҳон чемпиони Владимир Крамникка эса 4-ўрин насиб этди. У ғолиблардан ярим очкога ортда қолган эди.*

## ТАЙСОН АЙБИНИ ТАН ОЛМАЯПТИ

**Маълумки, бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон ўтган йилнинг 29 декабрь куни Скоттсдейл шаҳрида полиция томонидан қўлга олинган эди.**



*У транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган. Бунинг устига машинаси салонидан уч ғилоф кокаин моддаси топилган.*

*Яқинда Тайсоннинг ишини кўриш бошланди. Машҳур боксчи ўшанда маст ҳолда бўлганлигини тан олса-да, кокаинга дахли йўқлигини таъкидламоқда. АҚШнинг Аризона штати Марикопа графлиги прокурори Эндрю Томас ишни охирига етказишга ҳаракат қилмоқда. Агар айблов тасдиғини топса, Тайсон 27 ойдан етти йил муддатгача қамоқ жазосига тортилиши мумкин.*

## БЕКХЭМ МУЛЬТФИЛЬМ ҚАҲРАМОНИ

**Англия терма жамоасининг собиқ сардори, моҳир футболчи Дэвид Бекхэм «Walt Disney» киностудиясининг рекламасида иштирок этди.**

*У «Уйқудаги гўзал» эртаги қаҳрамони шаҳзода Филипп образини яратди. Бекхэм реклама учун олинган бу фильмда оқ от миниб, аждаҳо билан жанг қилади. «Мен болалигимдан дисней мультфильмларини жуда ёқтираман, — дейди Бекхэм. — Ўғилларим ҳам бундай фильмларга жуда ишқибоз. Эртак фильм қаҳрамони бўлганим билан фахрланаман».*



❖ **Тадқиқот**

# ЮРАКДАГИ ХОТИРАЛАР

Таниқли адабиётшунос олим Ҳафиз Абдусаматовнинг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган янги китоби «Илм — менинг қуёшим» деб аталади. Ушбу икки қисмдан иборат факт ва далилларга асосланган мемуарнинг «Жўшқин ҳаёт қўйнида» сарлавҳали биринчи қисмида муаллиф болалик йиллари, таълим-тарбия олиб вояга етишида ёрдам берган оиладаги самимий муҳит, бағрикенг устозларидан олган сабоқлари таъсирида ҳаётда ва адабиёт оламида ўз ўрнини топгани ҳақида ҳикоя қилади.

Асарда олимнинг Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон каби адабиётимизнинг етук намояндалари билан яқиндан мулоқотда бўлганлиги ҳақидаги хотираларга кенг жой берилган.

Олим ушбу истедод эгаларини нафақат ижодкор, балки инсон сифатида ҳам яхши билганлиги учун улар ҳаётининг муҳим қирралари — инсоний фазилатлари, адабиётимиз равнақига қўшган муносиб ҳиссаларини зўр самимият билан ифодалайди. Китобнинг «Ички портрет яратиш санъати» деб номланган иккинчи қисмидан ана шу ижодкорлар, уларнинг ижод ва ҳаётда яратган мактаблари хусусидаги тадқиқотлар ўрин олган.

Маълумки, Ҳафиз Абдусаматов «Абдулла Қаҳҳор» монографиясини ёзган, адибнинг асарлари ҳақида қатор мақолалар эълон қилган. Китобдан ўрин олган «Хақ сўз сеҳрига интилиб» мақоласида эса Абдулла Қаҳҳорнинг айрим асарлари атрофида бўлган тортишув ва баҳслар ҳақида, шунингдек, унинг ижоди билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга батафсил тўхталган.

Мемуардаги барча мақолалар жонли тилда, ўқишли тарзда ёзилган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, устоз Мақсуд Шайхзода ҳақидаги «Ватанга қулчилик — шоҳона мансаб», драматург Баҳром Раҳмонов тўғрисидаги «Юрак сирлари» ҳақида сирли гаплар» каби мақолалар китобхонлар эътиборини тортиши табиий.

Мухтасар айтганда, олимнинг юрагидан жой олган хотиралари асосида битилган мазкур китоб замондошларимиз ва келгуси авлод учун ўзбек адабиёти тарихидан ҳикоя қилувчи асар бўлиб қолишига ишонамиз.

**Ўткир ШОКИРОВ,**
**профессор**

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!*

**НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

*2007 йилда Наманган вилоятида мукаммал таъмирланадиган қуйидаги умумтаълим мактабларига пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдоларини*
*ЭЪЛОН ҚИЛАДИ*

| № № | ЛОТ № | Мактаб манзили, рақами | Объектнинг ҳисобланган бошланғич нархи, ҚҚС билан (сўм) |
|---|---|---|---|
| 1 | 1/1 | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Марғилон кўчасидаги 1340 ўринли 10-сонли мактаб | 216 836 000 |
| 2 | 1/2 | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, А.Гузар кўчасидаги 944 ўринли 36-сонли мактаб | 152 756 000 |
| 3 | 1/3 | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Сувжувоз кўчасидаги 960 ўринли 46-сонли мактаб | 155 345 000 |
| 4 | 1/4 | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Олвализор кўчасидаги 1496 ўринли 53-сонли мактаб | 217 360 000 |
| 5 | 1/5 | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Бўстон МФЙдаги 720 ўринли 65-сонли мактаб | 116 509 000 |
| 6 | 1/6 | Наманган вилояти, Косонсой тумани, Косон ҚФЙдаги 624 ўринли 14-сонли мактаб | 99 826 459 |
| 7 | 1/7 | Наманган вилояти, Косонсой тумани, Қуқумбой ҚФЙдаги 924 ўринли 33-сонли мактаб | 147 954 268 |
| 8 | 1/8 | Наманган вилояти, Косонсой тумани, Тагижар қишлоғидаги 624 ўринли 36-сонли мактаб | 100 257 457 |
| 9 | 1/9 | Наманган вилояти Косонсой тумани, Косонсой шаҳри, Обод даҳасидаги 230 ўринли 45-сонли махсус мактаб-интернат | 46 892 790 |
| 10 | 2/1 | Наманган вилояти, Норин тумани, Ҳаққулобод шаҳридаги 760 ўринли 2-сонли мактаб | 122 982 000 |
| 11 | 2/2 | Наманган вилояти, Норин тумани, Қозоқовул қишлоғидаги 480 ўринли 14-сонли мактаб | 77 673 000 |
| 12 | 2/3 | Наманган вилояти, Норин тумани, Тўда ҚФЙ, Қўшчек МФЙдаги 520 ўринли 23-сонли мактаб | 84 145 000 |
| 13 | 2/4 | Наманган вилояти, Норин тумани, Хўжаобод ҚФЙ, Полвонқул МФЙдаги 720 ўринли 26-сонли мактаб | 116 509 000 |
| 14 | 2/5 | Наманган вилояти, Уйчи тумани, Жийдакапа қишлоғидаги 1074 ўринли 18-сонли мактаб | 173 866 856 |
| 15 | 2/6 | Наманган вилояти, Уйчи тумани, Ғайрат қишлоғидаги 730 ўринли 22-сонли мактаб | 117 953 735 |
| 16 | 2/7 | Наманган вилояти, Уйчи тумани, Уйчи қишлоғидаги 724 ўринли 23-сонли мактаб | 177 353 571 |
| 17 | 2/8 | Наманган вилояти, Уйчи тумани, Жийдакапа қишлоғидаги 664 ўринли 24-сонли мактаб | 130 128 925 |
| 18 | 3/1 | Наманган вилояти, Чуст тумани, Чуст шаҳри, Дузанда маҳалласидаги 720 ўринли 4-сонли мактаб | 95 000 000 |
| 19 | 3/2 | Наманган вилояти, Чуст тумани, Ғова қишлоғидаги 750 ўринли 12-сонли мактаб | 120 000 000 |
| 20 | 3/3 | Наманган вилояти, Чуст тумани, Тошқўрғон қишлоғидаги 1110 ўринли 30-сонли мактаб | 141 000 000 |
| 21 | 3/4 | Наманган вилояти, Чуст тумани, Қаирма қишлоғидаги 420 ўринли 39-сонли мактаб | 120 000 000 |
| 22 | 3/5 | Наманган вилояти, Чуст тумани, Олмос қишлоғидаги 480 ўринли 55-сонли мактаб | 115 000 000 |
| 23 | 3/6 | Наманган вилояти, Чуст тумани, Варзик қишлоғидаги 300 ўринли 19-сонли мактаб-интернат | 48 000 000 |
| 24 | 4/1 | Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Бирлашган ҚФЙдаги 560 ўринли 13-сонли мактаб | 122 579 497 |
| 25 | 4/2 | Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Бирлашган ҚФЙдаги 422 ўринли 17-сонли мактаб | 82 973 301 |
| 26 | 4/3 | Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Наврўзобод ҚФЙдаги 450 ўринли 29-сонли мактаб | 100 924 840 |
| 27 | 4/4 | Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Қизилёзи қишлоғидаги 417 ўринли 36-сонли мактаб | 88 971 784 |
| 28 | 4/5 | Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Қораполвон ҚФЙдаги 392 ўринли 37-сонли мактаб | 91 891 017 |
| 29 | 4/6 | Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Янгиқўрғон шаҳридаги 540 ўринли 11-сонли мактаб | 89 170 169 |
| 30 | 4/7 | Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани,Паромон ҚФЙдаги 744 ўринли 49-сонли мактаб | 110 798 295 |
| 31 | 5/1 | Наманган вилояти, Наманган тумани, Олахамак ҚФЙдаги 1304 ўринли 13-сонли мактаб | 232 641 652 |
| 32 | 5/2 | Наманган вилояти, Наманган тумани, Шамсикўл ҚФЙдаги 600 ўринли 10-сонли мактаб | 100 429 006 |
| 33 | 5/3 | Наманган вилояти, Наманган тумани, Эшобод ҚФЙдаги 680 ўринли 1-сонли мактаб | 123 366 330 |
| 34 | 5/4 | Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Гигант ҚФЙдаги 600 ўринли 23-сонли мактаб | 98 894 400 |
| 35 | 5/5 | Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Олтинкўл ҚФЙдаги 720 ўринли 40-сонли мактаб | 105 001 200 |
| 36 | 5/6 | Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Кўтай ҚФЙдаги 830 ўринли 3-сонли мактаб | 112 477 200 |
| 37 | 5/7 | Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Қайқи ҚФЙдаги 784 ўринли 8-сонли мактаб | 150 720 000 |
| 38 | 5/8 | Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Кўтай ҚФЙдаги 695 ўринли 33-сонли мактаб | 105 160 800 |
| 39 | 6/1 | Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги 624 ўринли 2-сонли мактаб | 155 498 600 |
| 40 | 6/2 | Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги 730 ўринли 13-сонли мактаб | 101 686 560 |
| 41 | 6/3 | Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги 640 ўринли 9-сонли мактаб | 81 305 400 |
| 42 | 6/4 | Наманган вилояти, Поп тумани, Чиғаноқ қишлоғидаги 420 ўринли 5-сонли мактаб | 111 067 554 |
| 43 | 6/5 | Наманган вилояти, Поп тумани, Майда миллат ҚФЙдаги 640 ўринли 15-сонли мактаб | 73 597 681 |
| 44 | 6/6 | Наманган вилояти, Поп тумани, Уйғур ҚФЙдаги 624 ўринли 38-сонли мактаб | 100 984 517 |
| 45 | 7/1 | Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Ласкидон ҚФЙдаги 327 ўринли 5-сонли мактаб | 92 000 000 |
| 46 | 7/2 | Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги 327 ўринли 7-сонли мактаб | 79 200 000 |
| 47 | 7/3 | Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги 624 ўринли 11-сонли мактаб | 100 974 000 |
| 48 | 7/4 | Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги 834 ўринли 16-сонли мактаб | 134 956 000 |
| 49 | 7/5 | Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги 398 ўринли 21-сонли мактаб | 87 640 000 |
| 50 | 7/6 | Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги 620 ўринли 26-сонли мактаб | 100 327 000 |
| 51 | 7/7 | Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги 950 ўринли 18-сонли мактаб | 153 727 000 |
| 52 | 7/8 | Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги 500 ўринли 63-сонли мактаб | 97 091 000 |
| 53 | 8/1 | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 3-микрорайондаги 950 ўринли 52-сонли мактаб | 176 300 000 |
| 54 | 8/2 | Наманган вилояти, Косонсой тумани, Чиндовул ҚФЙдаги 315 ўринли 48-сонли мактаб-интернат | 78 603 437 |
| 55 | 8/3 | Наманган вилояти, Поп тумани, Пунгон қишлоғидаги 797 ўринли 18-сонли мактаб | 142 550 504 |
| 56 | 8/4 | Наманган вилояти, Уйчи тумани, Машад ҚФЙдаги 300 ўринли 40-сонли мактаб-интернат | 48 569 661 |

*Қурилишни якунлаш муддати барча объектлар бўйича 2007 йил 1 август.*

***Буюртмачи: Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Телефон: (8-369) 226-22-60, 233-77-06.***

Қурилиш ишлари Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган мактаб жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

*Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин. Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.*

**Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.**

